Приложение № 8 к правилам казначейского исполнения
бюджетов бюджетной системы Республики Узбекистан

# ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*

**к договору (контракту) от 05.01.2022 г. № 22-06**

**между Ўз,Р Ташқи ишлар вазирлигининг "Дунё" ахборот агентлиги и O`zbekiston 24 телерадиоканали ДМ**
**на общую сумму 99 360 000,00**

Глава **137**

Казначейский лицевой счёт **400110860262777084200137005**

(в сумах)

| Наименование месяцев 2022 г. | Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации) | | | Всего |
|---|---|---|---|---|
| | 4299990 | | | |
| Январь | 8 280 000,00 | | | 8 280 000,00 |
| Февраль | 8 280 000,00 | | | 8 280 000,00 |
| Март | 8 280 000,00 | | | 8 280 000,00 |
| Апрель | 8 280 000,00 | | | 8 280 000,00 |
| Май | 8 280 000,00 | | | 8 280 000,00 |
| Июнь | 8 280 000,00 | | | 8 280 000,00 |
| Июль | 8 280 000,00 | | | 8 280 000,00 |
| Август | 8 280 000,00 | | | 8 280 000,00 |
| Сентябрь | 8 280 000,00 | | | 8 280 000,00 |
| Октябрь | 8 280 000,00 | | | 8 280 000,00 |
| Ноябрь | 8 280 000,00 | | | 8 280 000,00 |
| Декабрь | 8 280 000,00 | | | 8 280 000,00 |
| **Всего за год** | **99 360 000,00** | | | **99 360 000,00** |

**Всего 99 360 000,00 сум** **Девяносто девять миллионов тристо шестьдесят тысяча шестьсот сум 00 тийин**

сумма прописью

**Из вышеуказанной суммы 30 % *** от общей суммы договора**
**подлежат предоплате в ежемесячно мес. 2022 г. по графику платежей**

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный _______% , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

**Руководитель заказчика** ________ **Хаитматова Ш.О.**

(подпись) **Ф.И.О.**

**М.П.**

**Главный бухгалтер заказчика** ________ **Файзиева Д. А.**

(подпись) **Ф.И.О.**

Принял работник казначейского подразделения ____________ (подпись)

«___» ______________ 20___г.

Получил работник заказчика ____________ (подпись)

«___» ______________ 20___г.

**ШАРТНОМА № 22-06**

**Тошкент шаҳри** **2022 йил "05" январь**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг **«Дунё» ахборот агентлиги** (кейинги ўринларда «Агентлик» деб юритилади) номидан **директор С.Суяров** ва **"O'zbekiston 24" телерадиоканали давлат муассасаси** (кейинги ўринларда «Телерадиоканал» деб юритилади) номидан директор **Х.Нуритдинов** мазкур шартнома орқали қуйидагиларни келишиб олдилар:

**1.Шартнома предмети**

1.1 «Агентлик» Ўзбекистон Республикаси Президентининг чет давлатларга расмий ва амалий ташрифлари, давлат ва ҳукуматнинг халқаро фаолияти, халқаро тадбирлар, матбуот анжуманлари ва брифинглари, республика ташқи сиёсатига оид материалларни, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда республиканинг хориждаги ваколатхоналари фаолиятига ва халқаро ҳаётга доир бошқа хабарлар, видео ва фото тасвирлар, долзарб халқаро мавзуларда материалларни (кейинги ўринларда- "Хабарлар" деб аталади) ушбу шартноманинг амал қилиш муддати давомида «Телерадиоканал» учун тайёрлаб беради.

1.2 «Агентлик» чет эл жамоатчилигини республикамизнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётида рўй бераётган, ҳуқуқий демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини ривожлантириш, инсон хуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган демократик ўзгаришлар тўғрисида хабардор қилиш мақсадида «Телерадиоканал» тизимидаги телерадиоташкилотлар томонидан тайёрланган телерадиомахсулотларни ўрнатилган тартибда фойдаланиш учун сўраб олади.

1.3 «Агентлик» тайёрлаб берган хабарларни «Телерадиоканал» ўзининг таркибига кирувчи телерадиоканалларининг информацион дастурлари, шунингдек маънавий, маърифий, спорт ва бошқа дастурлари орқали тарқатади ва хабарлар учун ушбу шартномада белгиланган тартибда ушбу шартноманинг 1-сонли иловасига биноан тўловларни амалга оширади.

**2. Шартнома миқдори**

2.1 «Агентлик» тайёрлаб берадиган хабарлар учун мазкур шартноманинг умумий тўлови ҚҚС билан биргаликда 99 360 000 (тўқсон тўққиз миллион уч юз отмиш минг) сўм миқдорида белгиланди.

2.2 «Телерадиоканал» шартноманинг умумий суммасидан 30 % миқдоридаги тўловни ушбу шартнома тарафлар томонидан имзолангандан сўнг 10 кун мобайнида амалга оширади. Хабарлар учун тўловларнинг қолган қисми тарафлар томонидан ўзаро келишилган ҳолда «Агентлик» томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактураларига асосан амалга оширилади.

**3. Томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари**

3.1 «Агентлик» шартномага асосан ҳар чоракда Телерадиоканалга камида 50 та материални дастёр ва бошқа электрон воситалари ёрдамида «Телерадиоканал»га тезкор етказиб бериш чораларини ўз зиммасига олади.

3.2 «Телерадиоканал» «Агентлик»дан олинган материалларни ўз вақтида тегишли дастурлар орқали ўқиб эшиттирилиши, намойиш этилиши ва уни учинчи томонларга бермаслик мажбуриятини олади.

3.3 «Телерадиоканал» «Агентлик»дан олинган материалларни «Дунё» ахборот агентлиги муаллифлиги остида тарқатишни таъминлаши шарт.

3.4 «Телерадиоканал» томонидан телерадиомаҳсулотлар томонлар ўртасидаги келишувларга мувофиқ тегишли маълумот ташувчи воситаларда тақдим этилади.

3.5 «Телерадиоканал»дан олинган ҳар бир телерадиомаҳсулотдан ҳар қандай шаклда фойдаланганда «**O'zbekiston 24**» **телерадиоканали** номи кўрсатиб ўтилади.

### 4. Томонларнинг жавобгарлиги

4.1 Мазкур шартнома шартлари бажарилмаган ҳолда «Агентлик» ва «Телерадиоканал» Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонунга ва бошқа амалдаги норматив ҳуқуқий ҳужжатларга таянган ҳолда жавобгарлик чора-тадбирларини қўллашлари мумкин.

### 5. Шартноманинг муддати

5.1 Мазкур Шартнома ЎзР Молия вазирлигининг Ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабригача амал қилади.

### 6. Бошқа шартлар

6.1 Ўзбекистон Республикасида иш ҳақи миқдори ўзгартирилганда томонлар келишувига биноан мазкур шартномада кўрсатилган сумма шунга мос равишда ўзгартирилади.

6.2 Шартномани тўхтатиш бўйича юзага келадиган барча баҳсли масалалар ўзаро келишилган ҳолда ҳал этилади.

6.3 Кўзда тутилмаган ёки фавкулодда техникавий сабабларга кўра юзага келадиган ҳолатларни ҳар иккала томон ўзаро келишилган тарзда ҳал этади.

6.4. Мазкур шартнома икки нусхада имзоланган бўлиб, бир нусхаси «Агентлик»да, иккинчи нусхаси «Телерадиоканал»да сақланади ва ҳар иккала нусха ҳам тенг юридик кучга эга.

### 7. Томонлар реквизитлари:

**Ўзбекистон Республикаси**
**Ташқи ишлар вазирлигининг**
**«Дунё» ахборот агентлиги.**
**Манзил**: 100000, Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 3-уй Тел: (71) 233-14-22
Ҳ/р: 4001 1086 0262 7370 8970 0019 001
СТИР: 201 086 694 ХХТУТ: 18120
МБ ББ ХККМ Молия Вазирлик
Ғазначилиги МФО: 00014
СТИР: 201 122 919 МФО: 00014
Ҳ/р: 2340 2000 3001 0000 1010

**Директор**

**___________С.Суяров**

Юрисконсульт

___________ Ш. Обилова

**«Телерадиоканал»: «O'zbekiston 24»**
**телерадиоканали давлат муассасаси.**
**Манзил**: Тошкент ш., Олмазор кўчаси, 2-уй
Ҳ/р: 4000 1086 0262 7770 8420 0137 005
СТИР: 304 885 637 ХХТУТ: 60200
МБ ББ ХККМ Молия Вазирлик
Ғазначилиги МФО: 00014
СТИР: 201 122 919 МФО: 00014
Ҳ/р: 2340 2000 3001 0000 1010

**Директор**

**___________Х.Нуритдинов**

O'zbekiston Respublikasi
"Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonunga muvofiq mazkur shartnoma imzolashga tayyorlash jarayonida «O'ZBEKISTON 24» TELERADIOKANALI» DM yuristi tomonidan huquqiy ekspertiza o'tkazildi
(imzo, yuristning F.I.Sh.)
Reg. № 47 05 01 2022 yil

*2022 йил “05” январдаги*
*22-06-сонли Шартномага*
*1-сонли илова*

| №№ | Мавзулар номи | Сони | Нархи | Жами | ҚҚС билан |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Видеооавҳалар, роликлар, интервьюлар ва хабарлар тарқатиш | 200 | 432 000 | 86 400 000 | 99 360 000 |

**Томонлар реквизитлари:**

**Ўзбекистон Республикаси**
**Ташқи ишлар вазирлигининг**
**«Дунё» ахборот агентлиги.**
**Манзил**: 100000, Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 3-уй Тел: (71) 233-14-22
Ҳ/р: 4001 1086 0262 7370 8970 0019 001
СТИР: 201 086 694 ХХТУТ: 18120
МБ ББ ХККМ Молия Вазирлик Ғазначилиги МФО: 00014
СТИР: 201 122 919 МФО: 00014
Ҳ/р: 2340 2000 3001 0000 1010

**Директор**

______________**С.Суяров**

**Бош хисобчи:**

______________О.Усманов

**«Телерадиоканал»: «O’zbekiston 24» телерадиоканали давлат муассасаси.**
**Манзил**: Тошкент ш., Олмазор кўчаси, 2-уй
Ҳ/р: 4000 1086 0262 7770 8420 0137 005
СТИР: 304 885 637 ХХТУТ: 60200
МБ ББ ХККМ Молия Вазирлик Ғазначилиги МФО: 00014
СТИР: 201 122 919 МФО: 00014
Ҳ/р: 2340 2000 3001 0000 1010

**Директор**

______________**Х.Нуритдинов**

**Бош хисобчи:**

______________

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг "Дунё" ахборот агентлиги ва
"O'zbekiston 24" teleradiokanali" давлат муассасаси ўртасида
тузилган 22-06 сонли шартнома юзасидан
**ҳуқуқий экспертиза хулосаси**

"05" 01 2022 йил **№ 471** Тошкент шаҳри

"O'zbekiston 24" teleradiokanali" давлат муассасасининг бош юрисконсульти А. Ибратов томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг "Дунё" ахборот агентлиги ва "O'zbekiston 24" teleradiokanali" давлат муассасаси ўртасида тузилган 22-06 сонли шартнома лойиҳаси ва унинг тузилиши ва шартлари ижросига тааллуқли бўлган барча ҳужжатлар ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди. Мазкур хулоса "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуннинг 21-моддаси асосида тузилди.

Ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда 22-06 сонли шартнома лойиҳасининг амалдаги қонунчилик нормаларига мослиги, унинг ҳуқуқий тўғри расмийлаштирилиши ва тарафларнинг келишув битимини тузишга ваколатлиги текширилди.

Ҳуқуқий экспертиза ўтказиш давомида ушбу шартномани у ёки бу йўсинда тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг қонун ва қонун ости актлари, унга киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалари билан ўрганиб чиқилди.

Ҳуқуқий экспертиза натижасида қуйидагилар аниқланди:

- шартнома 2 варақ 2 бет 1 иловада битилган;
- шартнома предмети: чет давлатлардаги воқеа, матбуот анжуманлари, ҳукуматнинг халқаро фаолияти ҳақида ахборот;
- шартнома суммаси ҚҚС билан 99 360 600,00 (тўқсон тўққиз миллион уч юз олтмиш минг олти юз) сўм;
- шартноманинг амал қилиш муддати: 01.01.2022 - 31.12.2022 йил;
- шартнома шартлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик талабларига мос тарзда тузилган;
- ҳуқуқий экспертиза ўтказиш даврида шартнома шартларини бажаришга тўсқинлик қиладиган қонун ва/ёки давлат органлари кўрсатмалари мавжуд эмас;
- шартнома лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мос. Шартнома шартлари, шу каби битимларни тузишни тартибга соладиган Ўзбекистон Республикаси қонун талаби доирасида ишлаб чиқилган ҳамда Фуқаролик кодексининг 703-708 моддалари билан тартибга солинади;
- шартнома шартларидан келиб чиқадиган тарафларнинг ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ва/ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарлиги Фуқаролик кодекснинг 260-263 моддаларига ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуннинг 25-34 моддаларига мос.

Корхонанинг бош юрисконсульти қонунчиликка асосан мазкур ҳуқуқий экспертиза хулосасининг тўғрилигига тўлиқ жавобгар (қонунга хилоф ҳуқуқий экспертиза хулосасини бериш унга боғлиқ бўлмаган холлар бундан истисно).

**Бош юрисконсульт** **Ибратов А.Б.**

O'ZBEKISTON 24 TELERADIOKANALI DAVLAT MUASSASASI
YURIST